



MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021
Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

антонимлар,
антонимик аржима,
инкор шакл, феълнинг
бўлишсизлик шакли,
лексик ўрин
алмаштириш, терс
таржима

Кириш. Таржимашунослик фанининг ҳозирги тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳеч бир ҳалқ адабиётини бошқа адабиётлардан ажратиб олиб, алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Чунки жаҳон адабиёти ягона организм бўлиб, у катта-кичик турли миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ривожидан таркиб топади. Кишилар ер юзининг турли минтақаларида яшаб келишларидан қатъий назар, яратилган маънавий бойликларини ўзаро баҳам кўришга интилоқдалар, бир-бирларининг санъатидан, бадиий

АНТОНИМИК ТАРЖИМА НИМА?

Султонқулов Ғайрат Мухторович¹

¹Тошкент давлат юридик университети
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси
e-mail: g.sultonkulov@tsul.uz
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813050>

ANNOTATSIYA

Ушбу мақола таржима жараёнида кенг қўлланиладиган таржима турларидан бири – антонимик таржима ва унинг таърифи ҳамда таснифига бағишланган. Мазкур таржима тури хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма таржима туридан қатъий назар барча таржима турида қўлланади. Шундан келиб чиққан ҳолда мақолада антонимик таржиманинг ўрни, унинг таржима жараёнидаги қийинчилиги ва ушбу ҳолатдан таржимоннинг қандай чикиб кетиши билан боғлиқ тавсиялар берилган. Қолаверса, Антонимик таржимаборасида машҳур тилшунос олим ва таржимонларнинг фикрлари ҳам келтирилган. Бундан ташқари антонимик таржимага доир қарашлар, методлар мисоллар ёрдамида осиб берилган.

кашфиётларидан завқланиб, қалбан ва руҳан яқинлашиб бормоқдалар.

«Кундалик алоқа воситаси бўлган тилга нисбатан бадиий адабиёт тили - деб ёзади А.В.Федоров,- бу сўз усталари томонидан қайта ишланган тилдир (А.В.Федоров. Язык и стиль художественного произведения. М., ГИХЛ. 1963.).

Таржима миллатлар орасида бевосита маънавий алоқа қилиш қуроли. Чунки у маданий бойликлар, кишиларнинг кўп асрлик эзгу



армонлари, ғояси ва қарашлари мужассамланган асарларни ўзга тил соҳиби бўлмиш халққа етказди, халқнинг кўнгил дафтарини намойиш этади.

Жаҳондаги турли-туман тилларда яратилган бадий адабиёт асарлари катта таржима йўлида айрибош қилинади. Таржимасиз, фақат ўз ички ресурслари ҳисобигагина ривожланадиган, узоқ ва яқин бошқа халқлар бунёд этган маданий бойликлардан баҳраманд бўлмаган «соф» миллий «тиниқ» маданият, адабий ўзгармас «тоза тил» йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Агар таржима бўлмаганида миллий маданиятлар ва инсониятнинг буюк даҳолари бунёд қилган ўлмас фан ва санъат обидалари яккаланиб қолган бўлар эди.

Метод. Таржима интернационализм ва халқлар дўстлиги қуроли. Таржима йўли билан миллий маданиятлар бир-бирларини бойитадилар. Тилда, тафаккурда, маданий адабий ҳаётда, санъатда ҳамма жойда унинг ўзига хос таъсири сезилиб туради. Таржима, айниқса сўз санъати бўлган бадий адабиётда катта ўрин тутади.

Қардош халқлар адабиёти ва жаҳон прогрессив адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржима қилинаётганлиги таржимашунослигимизнинг катта муваффақиятлар билан олға ривожланаётганлигидан далолат беради. Миллий маданиятимизнинг жаҳон халқлари маданиятларининг энг яхши анъаналари билан яқинлашувига, халқлар ўртасидаги дўстликнинг

кучайишига ва ўзбек китобхонларининг жаҳон прогрессив адабиёти намуналаридан баҳраманд бўлишига хизмат қилади.

Зотан, фан, маданият ва техника соҳасида рўй бераётган аксари оламшумул ҳодисалар бевосита таржима туфайли оммалашади. Бадий таржиманинг тарбиявий, сиёсий, ғоявий ва эстетик аҳамияти ҳамда маърифатпарварлик ролининг бундан кейин ҳам тобора ошиб боравериши давр, замон талабидан келиб чиқади.

Халқимизни жаҳон фани, техникаси, маданияти ва ижтимоий фикр тараққиётининг буюк ютуқларидан баҳраманд қилиш, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш каби муқаддас вазифани амалга оширишда таржимачилик иши ғоят катта аҳамиятга эга.

Бадий таржиманинг мазмуни, хусусияти ва асосий шартлари.

Бизнингча, ҳам тўғри ва чиройли таржимасига мукамал ва идеал санъат асари бўла олади. Бундай таржима яратишнинг ўзи эса чинакам санъатдир. Бундай санъат таржимондан тўғри таржима қилиш доирасида чиройли таржима этишни ва чиройли таржима этиш доирасида тўғри таржима қилиш маҳоратини эгаллашни талаб этади. Таржима амалиётида қўйидаги хилма-хилликлар учраб туради.

1. Таржимонларнинг тажрибаси, малакаси ва эътиқоди бир-биридан жиддий фарқ қилиши натижасида келиб чиқадиган тафовутлар.

2. Таржимонларнинг таржима қилиш принципларини ҳар хил талқин



этишлари туфайли келиб чиқадиган тафовутлар.

3. Таржимонларнинг услуги муаллиф услубига таъсир этиши натижасида табиий рўй берадиган тафовутлар.

Ана шу учта сабаб туфайли муайян бир асарни масалан ўнта таржимон ўз тилига ўгирса, натижада бир-биридан фарқ қиладиган ўн хил таржима ҳосил бўлади.

Бадиий таржимада муаллиф услубини ҳар бир таржимон ўзига хос услуб билан тиклашга интилиши таржимачилик амалиётида юз бераётган ана шу тафовутларга сабаб бўлади.

Агар таржимада муаллиф услуги тўғри берилмаган бўлса, бундай таржиманинг асл нусхага мослигига асло ишониб бўлмайди. Унда таржимон, беихтиёр муаллифнинг ўрнига ўзини қўйган бўлади. Таржимоннинг икки тилни мукамал билиши, турмуш тажрибаси, бадиий маҳорати ҳамда ёзувчи услубини тўла эгаллаши ва буни таржимада қайта тиклай олиши қанчалик зарур эканлигини яққол кўрсатади.

«Услуб» тушунчаси тор маънода талқин қилинганда асарда тасвирланган персонажлар нутқининг ўзига хос услуги тушунилади. Ҳар бир сўзнинг ўз услуги борки, албатта имло луғатидан сўзларга қараб, уларнинг услуб хусусиятларини аниқлайман дейиш беҳуда уриниш бўлар эди. Сўзларнинг услуб хусусиятлари бадиий матн ичида, сўзларнинг бирикишида очилади.

Масалан: «ўлмоқ» сўзи «дунёдан ўтмоқ, оёқ чўзмоқ, кўз юмди, абадий

уйкуга кетди, жони узилди, куни битди, бандаликни бажо келтирди, асфаласофилинга жўнади» каби бирикмаларнинг ҳар бирида ўзига хос стилистик маънога эга. Бу стилистик вариантларнинг ҳар бирини ўз ўрнида ишлатишнинг катта амалий аҳамияти бор, башарти улар ноўрин қўлланса қўпол хато келиб чиқиши мумкин. Масалан «дунёдан ўтди» ўрнига «жони чиқди» деб бўлмайди (Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш. Ўқитувчи нашриёти. Тошкент, 1978. 109-143 бетлар.).

Бадиий асарни таржима қилиш учун тилнинг луғат бойлиги, чунончи синоним ва омонимлар, касб-хунар терминлари, диалектал, эскирган ва вульгар сўзлар, эркалаш ва кичрайтириш, қочириқ, матал ва идиомаларни ҳамда сўзларнинг мусиқийлигию, оҳангдорлигини, кўп маънолилигини, тилнинг талаффуз нормаларини, муболаға ва кичрайтириш хусусиятлари, юмор-ҳазил-мутойиба формаларини билиш зарур.

Баҳс ва мунозара. Таржимашунос олим Ғайбулла Саломов, бадиий асарни қайта яратиш жараёнида амалга ошадиган уч босқич тўғрисида тўхталиб, шундай фикрни келтиради:

1. Асл нусхани таржимон қандай қабул қилиши (тушуниши).
2. Асарни реал, авторнинг мақсад-муддаоси ва унинг ўзига хос услубини қандай талқин қилиши.
3. Сўз санъати намунасини ўз она тилида қайта тиклашда муқобил восита топа олиши.



Бадиий таржимани илмий тавсифлаш шундан иборатки, бунда сўзни сўз билан эмас, балки маънони маъно билан, оҳангни оҳанг билан, образни образ билан, юморни юмор билан бериш муҳим аҳамиятга эгадир».

Бадиий таржиманинг бошқа турдаги таржималаридан фарқи шундаки, сўз, жумла ёки бутун бир асарни тўғри ўгириш кифоя эмас. Бунда таржимон ҳам санъаткор бўлиши лозим» (Ғ.Саломов. Таржима назарияси асослари. Тошкент, 1983.).

Таржимонлар ўзга миллий адабиётларда мавжуд бўлган энг сара, катта ижтимоий, адабий-эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китобларни ўз тилларига ағдаришга ошиқадилар. «Қайта яратиш билан боғлиқ умумий адабий эстетик жараённинг уч томони: танишувдан келиб чиққан таржима, таржимадан келиб чиққан танишув, ҳамда буларнинг ҳар иккаласидан ҳосил бўлган таъсир бир-бири билан диалектик тарзда чамбарчас боғлиқдир.» (Ғ.Саломов «Дўстлик кўприклари» Тошкент, 1979, 3-6 бет.).

Бадиий таржиманинг бошқа турларига қараганда шеърий таржима «кўпроқ» санъатдир. Шеърий таржима бадиий таржиманинг олий нави деса бўлади. Насрий асарлар таржимасига ёзувчилардан ташқари профессионал таржимонлар ҳам журъат этадилар. Аммо шеърий таржима – бу аксарият шоирлар, шоир-таржимонлар ишидир. Тўғри, аҳён-аҳёнда илгари насрий асарлар таржимаси билан танилган таржимонлар ёхуд олимлар ҳам назм таржимасига қўл урганлар. Масалан,

атоқли турколог олим Сергей Николаевич Иванов Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» достонини қадимги ўзбек тилидан русчага таржима қилди. Талантли таржимон Қодир Мирмухаммедов Гомернинг машҳур «Иллиада»сини, атоқли ёзувчи Ойбек А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романини ўзбек тилига ўгирдилар.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан уч жилди Ҳамид Ғулом, Шоислом Шомухаммедов, Жуманиёз Жабборов, Назармат таржимаси туфайли халқимизнинг қўлига тегди (Ш.Шомухаммедов. Гуманизм абадийлик ялови. Т., 1974, 53-бет.).

Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати адабиётшунос олим ва таржимон Шоислом Шомухаммедов Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» мажмуаси материали асосида ёзган «Гуманизм – абадийлик ялови» номли мақоласида Ғарбда илм-фаннинг, инсонга нисбатан гуманистик ғояларнинг тараққиётига Шарқ маданиятининг ютуқлари асос бўлди, деган фикрни тасдиқловчи бир қанча далилларни келтиради (Ш.Шомухаммедов. Гуманизм абадийлик ялови. Т., 1974, 53-бет.).

Таржимани биз жуда катта билим ва кўп меҳнат талаб қиладиган кўп қиррали бир фаолият деб биламиз. Таржима бу тиллараро трансформациялар мажмуасидир чунки бир тилдан иккинчи тилга бирор парчани ўгирганда биз бевосита манба (source language) тилдаги текст мазмунини таржима тилига (target



language) кўчирамиз яъни трансформация қиламиз.

Бунда таржимон турли-туман ўзгартиришлардан (трансформациялар) фойдаланади.

Уларнинг энг мухимлари қуйидагилар:

1. Сўз тартибини ўзгартириш

2. Турли лексик алмаштиришлар

А) синоним сўзлар билан алмаштириш

Б) антоним сўзлар билан алмаштириш

В) бир сўз туркумини бошқа сўз туркуми билан алмаштириш

Д) қисқартмали сўзларни тўлиқ таржимасини бериш ёки акси, чунки ундай қисқартма таржима тилида йўқ.

3. Синтактик ўзгартишлар (трансформациялар)

А) кўшма гапни содда гап билан таржима қилиш

Б) содда гапни кўшма гап билан ўгириш

В) бош гапни эргаш гап билан алмаштириш

Г) эргаш гапни кўшма гап билан бериш

Д) тенг боғланган кушма гапни эргаш гапли кушма гап билан угириш

Е) эргаш гапли кўшма гапни тенг боғланган кўшма гап орқали ўгириш.

4. Аналогик таржимада синтактик ўзгартишлар

(трансформациялар) а) содда гапли содда гап орқали ўгириш б) кўшма гапни кўшма гап орқали ўгириш

5. Антономик таржимада синтактик ўзгартишлар:

А) манба тилдаги кесимни таржима тилида антонимик шаклда бериш (яъни бўлишли шаклни бўлишсизсиз шакл орқали)

6. Синонимик таржимада синтактик ўзгартишлар

а) манба тилидаги воситани бирдан ортик синонимлик воситалар орқали бериш

7. Компенсация (ўрнини қоплаш)

8. Кўшишлар (ўринли кўшишлар, ўринсиз кўшишлар)

9. Тушириб қолдиришлар (керакли ва кераксиз тушириб қолдиришлар)

10. Калька (узиб қоплаш, ўзини кўчириб ўтиш, транскрипция, транслитерация)

11. "Хижжа"лаб таржима қилиш (буквальный перевод)

("Кизик" бурчак, red corner)

(агитбригада, agitbrigade)

(шанбалик, субботник, subbotnik)

Натижа. Турли хил лексик алмаштиришлар:

а) синоним сўзлар билан алмаштириш;

My parents are workers

Менинг авлодларим ишчилар.



I have seen the lass (пари, қиз)

Мен бу қизни (парини, нозанини, гўзал нарсани, париваш, гўзални маликани, сулувни) кўрганман.

Б) антоним сўзлар билан алмаштириш;

He is young

У қари эмас

He is no fool

У ақли

В) бошқа сўз туркумлари билан алмаштириш;

He likes books. His hobby is boxing

(noun) (gerund)

У китоб ўқишни яхши кўради.

(харакат номи)

унинг қизиққан соҳаси -бокс (noun)

Синонимик таржима;

I came to study here

Мен бу ерга ўқигани (ўқиш учун, ўқиш мақсадида, ўқиш мақсади билан, ўқийман деб, ўқиши деб) келдим.

Компенсация (ўрнини қоплаш)

This is where the shoe pinches.

Вот, где собака зарыта.

Мана гап қаерда (экан)

Paddle your own canoe

Ўз аравангни торт.

I hate movies. Мен кинони ўлгудай ёмон кўраман.

Кўшишлар (ўринли кўшишлар)

It is the means of Livelihood (S. Maugham)

Ҳа энди, (нима ҳам дердингиз) тирикчиликда.

Look, you haven't seen him as yet?

Хой, менга қара (бу дейман) сен уни кўрмадингми?

Тушириб қолдиришлар.

He put his hands into his pockets.

У қўлларини чўнтакларига солди.

The city of London is any of oldest one in Great Britain.

Лондон Англиядаги энг қадимги шаҳарлардан бири.

Калька (ўзини кўчириб олиб ўтиш).

There was held the briefing of the visit of the president to Europe.

Кейин президентнинг Европага қилган визити бўйича тафсилотлар (брифинг) берилди.

Там состоялся брифинг по визиту президента в Европу.

There was held a ammonth meeting.

Состоялся большой митинг.

Antifreeze - антифриз

Speedo-meter - спидометр

Machine - машина

Pilaff (pilou) - плов

Peasant - дехқон - дехкан

Collective farm - колхоз

Paranjan - паранжи - паранджи

Conference - конференция



Radio - радио

Изоҳли таржима? Бу таржимани тури таржима тилига манба тилдаги воситани тўғридан-тўғри ўгириш имконияти бўлмаганда қўлланилади, яъни изоҳли таржима (тушунтириш) берилади.

The Nato general gave a greenlight to the military actions in Afganistan. Нато генерали Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларга катта йул очиб берди. (to give a green light) йўлдаги светофор кўк чироқ.

Антономик таржима асл нусха тилидаги маълум таржима бирлигини маъносини сақлаган ҳолда, таржима тилида шаклан унга тескари (антоним) бўлган бошқа бирлик билан алмаштиришдир, ўгиришдир:

Мисол:

He is old-у ёш эмас

She is clever -у тентак эмас

We are no experts -биз бошқа соҳа мутахассисларимиз.

They are very strong -улар унчалик заиф эмас

Антонимик таржима лексико-грамматик трансформациянинг бир тури бўлиб аслиятдаги тасдиқ формадаги фикр таржима тилида инкор формада ёки аксинча берилиши кузатилади

Nothing changed in my home town. – Все осталось прежним в моем родном городе- Менинг она шаҳримда ҳамма нарса илгаригидек.

Бу ҳолат кўпинча инглиз тилидаги инкорни ифодаловчи префиксли тил бирликлари мавжуд бўлганда кузатилади:

She is not unworthy of your attention.
- Она вполне заслуживает вашего внимания-У сизнинг диққат эътиборингизга лойиқ аёл.

Бу ҳолатни таркибида инкор, чегараловчи боғловчилар «until» ва «unless» мавжуд жумлаларда ҳам кўриш мумкин:

The United States did not enter the war until April 1917. - Соединенные Штаты вступили в войну только в апреле 1917 г. - Қўшма Штатлар урушга 1917 йилнинг апрел ойидагина қўшилди.

Additional expenditures shall not be made unless authorized. – Дополнительные расходы должны производиться лишь с особого разрешения.-Қўшимча харажатлар махсус рухсат билангина амалга оширилади.

Антонимик таржимада аслиятдаги тил бирлиги таржима тилига қарама-қарши маъно ифодаловчи бошқа сўз ва иборалар билан ҳамўгирилиши мумкин:

The railroad unions excluded negroes from their membership. – Профсоюзы железнодорожников не принимали в свои ряды негров -Темир йўлчилар касаба уюшмаси ўз сафларига негрларни қабул қилишмасди.

Инглиз тилида инкор маъно «**without**» боғловчиси орқали ҳам ифодаланиши мумкин:

He never came home without bringing something for the kids. - Приходя домой,



он всегда приносил что-нибудь детям-Уйигақайтишда у ҳар доим болаларига бирор нарса олиб келарди.

Антонимик таржимада кўпинча трансформациянинг бошқа турларидан, масалан лексик ва грамматик трансформациялардан фойдаланиш мумкин:

Their house had no screen doors. - Двери у них были сплошные Уларнинг эшиклари мустаҳкам эди.

Бу мисолдаги инкор маъно « screen doors» сўзининг модуляцияси орқали амалга ошириляпти.

The people are not slow in learning the truth. - Люди быстро узнают правду-Одамлар ҳақиқатни тезда билиб оладилар.

Масалан, ўзбек тилидаги севмоқ, яхши кўрмоқ инглиз тилидаги феъллар to love, to like тўғри келади ва антонимик жиҳатдан to hate, to dislike феълларига мос келади. кўриниб турибдики, агар ушбу феълларни ўзбек тилига таржима қилсак to hate, to dislike ўзбек тилидаги нафратланмоқ, ёмон кўрмоқ шаклида эмас, балки антонимик таржима орқали севмоқ тарзида жаранглайди.

Казакова Т. А., Translation technique номли китобида ушбу ҳолатга яъни антонимик таржимага тўлиқ таъриф бериб, антонимик таржиманинг ишлатилишида умумий маънони берувчи инкор сўз берилиши лозимлигини таъкидлайди. Бу инкор юклама ёки сўз бўлиб, бўлишсизлик маъносини ифодалаш шарт. Антонимик таржима усули таржима жараёнида сўзнинг маъноси тўғридан-

тўғри таржима қилинмасдан унинг ифодалаган маънога мос шакли танланади. Ушбу ҳолат антонимик мослик ҳисобланади масалан, антонимик мосликка exclude феъли – ўзбек тилидаги “ўз ичига олмоқ” маъносидан ташқари “қабул қилмоқ”, “рухсат бермоқ” ва бошқа маъноларга ҳам эгадир.

Мисол тариқасида У. Фостернинг «Американинг сиёсий тарихи ҳақида очерк» (Outline Political History of Americans) асарида қуйидаги фраза мавжуд:

The railroad Unions have been a hotbed of Jim Crow – even the American

Railroad Union, headed by Eugene V. Debs, excluded negroes from its

membership.

Ўзбек тилидаги таржима си қуйидагича жаранглайди:

Темирйўл бирлашмалари ирқий шовинизмнинг ўчоғи ҳисобланиб –

ҳаттоки. Юджин Дебсон бошчилигидаги темирйўлчилар касаба уюшмаси ўз сафига биронта ҳам қора танлиларни қўшишмаган.

Таржимада кўриниб турибдики, exclude – феъли ўзбек тилида “қўшмаган” шаклида берилган. Ўзбек тилида бирор бир ташкилотга аъзо бўлган кишини ўз сафидан чиқаради, рус тилда ҳам худди шундай баён қилинади “исключать”. Айтиш мумкинки, «қора танлиларни ўз сафларига аъзо қилиб олишмаган» шаклидаги вариант ўрнига “ўз сафларига қўшишмаган” шаклида баён қилиш мақсадга мувофиқдир.



Мисол: Ҳарбийлар фақат
фавқулудда ҳолатдагина ишга
туширилади

Таржимаси: The troops shall be used
only in case of emergency.

Бу тўлиқ адекват таржима, аммо бу
маънони бошқача шаклда ҳам бериш
мумкин:

The troops shall not be used except
for emergency.

Иккинчи вариант аслиятдан фарқли
ўлароқ инкор орқали ифодаланган
бўлсада (shall not be used), худди
юқоридаги маънони ифодалайди.
Қолган лексик унсурлар (only биринчи
ҳолатда, except for – эса иккинчи
ҳолатда) маъновий жиҳатдан тенгдир,
бирок not инкор юклаганининг

ишлатилиши билан фарқланади.

Хулоса. Таржима жараёнида талабалар
дуч келадиган энг муҳим
қийинчиликлардан бири таржима
трансформацияларидан амалда
фойдалана олмаслиқдир. Таржима
трансформациялари усулларини
билмаган талабалар аслиятдаги сўз ва
ибораларни луғавий маъноларида
ўгиришга одатланишадилар. Натижада
инглиз тилидан ўзбек тилига, ўзбек
тилидан инглиз тилига таржима
қилишганларида жумлалар ғализ,
бадий ифодадорликдан йироқ бўлиб
қолади, қолаверса таржима
трансформацияларини ўрганиш
таржима жараёнини ўрганиш учун бой
фактик материаллар бера олади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mustafakulovich, R. M., Shokirovich, T. O., & Ishnazarovna, M. N. (2020). SIMULTANEOUS INTERPRETING AS A SPECIAL INTERPRETER ACTIVITY. PROS AND CONS OF SIMULTANEOUS INTERPRETING. *Oriental Art and Culture*, (V).
2. Ruzibaeva, N. (2019). PECULIARITIES OF THE ANTI-THESIS IN THE LITERARY TEXT. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(11).
3. Miraziz, R., & Oybek, T. (2020). INGLIZ, FRANSUZ VA O'ZBEK SHE'RIYATINI TARJIMA QILISHDA QO'LLANILADIGAN TRANSFORMATSİYALAR. *Oriental Art and Culture*, (V).
4. Raufov, M. M. (2021). ELEMENTARY TRANSFORMATIONS IN SIMULTANEOUS TRANSLATION. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
5. Mamadayupova, V. S. (2015). Application of information technologies in the course of training in the foreign language. *European Journal of Education and Applied Psychology*, (1), 6-8.
6. Shonazarovna, M. V. (2019). Some ways of learning foreign language at an early age. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(10).
7. Mirgiyazova, M. M. (2021). THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
8. Umida Pulatovna Khaydarova (2021). Intercultural communication as a pattern of learning content in linguocultural competence. *Academic research in educational sciences*, 2 (1), 783-788.



9. Khaydarova, U. The Use Of Interactive Technologies And Methods In Online Practical Lessons In Uzbekistan During Covid-19 Pandemic. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(03), 2020.

10. Khaydarova, U. (2019). Spiritual, social, philosophical and poetic factors of the detective genre. *Humanities in the 21st century: scientific problems and searching for effective humanist technologies*. 69-72

11. Khaydarova, U., Mustafaeva, N., & Abdurakhmonov, B. (2020). ISSUES ON INCREASING MOTIVATION IN LANGUAGE LEARNING PROCESS. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(05), 1479-1482.